

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АЛТИЕВ ҚАХРАМОН САИДОВИЧ

КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШДА «БЛОКЧЕЙН» МОДЕЛИДАН
Фойдаланиш Имкониятлари

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

УДК: 336.02:347.961.8(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Алтиев Қахрамон Саидович

Корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлигини оширишда «блокчейн»
моделидан фойдаланиш имкониятлари..... 3

Алтиев Қахрамон Саидович

Возможности использования модели «блокчейн» для повышения финансовой
безопасности корпоративных структур 31

Altiev Kakhramon Saidovich

The possibilities of using the «blockchain» model for enhancing the financial
security of corporate structures 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication works 64

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АЛТИЕВ ҚАХРАМОН САИДОВИЧ

КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШДА «БЛОКЧЕЙН» МОДЕЛИДАН
Фойдаланиш Имкониятлари

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt708 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Азизов Улугбек Ўктамович
иктисодиёт фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар: Жумаев Нодир Хосниатович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Каралиев Шербек Турабоевич
иктисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» 08 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (+99871) 234-53-34; факс: (+99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (204 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (+99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «06» 08 кун тарқатилди.
(2021 йил «06» 08 даги 27 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодиёт ва корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада замонавий технологиялар, жумладан блокчейн технологиясига муҳим восита сифатида қаралмоқда. Жаҳон иқтисодиёти форуми прогнозига кўра «2023 йилга келиб давлат ўз молиявий ресурслари ҳамда корпоратив тузилмаларига тааллуқли бўлган молиявий хавфсизликни айнан Блокчейн технологияси ёрдамида таъминлашга эришиб, 2027 йилга келиб жаҳон ЯИМнинг 10 фоизи Блок-занжирли валютада сақланиши прогноз қилинмоқда»¹. Бу ҳолат янги молиявий давр бошланиши бўлиб, шу жиҳатдан замонавий технологиялар, жумладан «Блокчейн» моделидан фойдаланиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти тармоқларида, жумладан корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни таъминлашда рақамли технологиялар, айниқса сунъий интеллектли молиявий-электрон дастурий маҳсулотларни такомиллаштириш, операцион харажатларни оптималлаштириш, молиявий хавфсизликнинг ташкилий-молиявий жиҳатларини такомиллаштириш кабилар юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада корпоратив тузилмалар фаолиятига рақамли медиа-контентни тадбиқ этиш, молиявий бошқарувда ақлли корпоратив молиявий тизимлар, смарт-контрактлардан стратегик молиявий қарорларни қабул қилиш, молиявий режалаштириш ва прогнозлаштиришда инновацион технологиялар каби йўналишлардаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда молиявий-иқтисодий секторни замонавий талаблар асосида ривожлантириш, 2030 йилгача бўлган даврда корпоратив тузилмалар фаолиятини рақамлаштиришни босқичма-босқич жорий этиш, бу жараёнда замонавий молиявий моделлардан фойдаланиш орқали молиявий хавфсизликни таъминлаш каби йўналишларда кенг қамровли мақсадли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. «Иқтисодиётнинг реал сектори корпоратив тузилмаларида ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш, корпоратив тузилмаларнинг молиявий бошқарувини замонавий телекоммуникация инфратузилмаси, алоқа технологияси, электрон тижорат ва дастурий таъминот бозорининг фаол иштирокчига айлантириш ҳамда рақамли иқтисодиётни ташкил этиш»² каби вазифалар белгиланган. Бу молиявий-иқтисодий секторни рақамлаштириш, жумладан блокчейн моделидан фойдаланиш асосида молиявий хавфсизликни таъминлаш, корпоратив

¹ [Coinbazz.com/2018/08/06/blockchain](https://coinbazz.com/2018/08/06/blockchain)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон; 31.10.2020 й., 06/20/6099/1450-сон; 13.11.2020 й., 06/20/6110/1512-сон).

бошқарув жараёнида молиявий харажатларни оптималлаштириш, молиявий зарарлар ҳажми ва молиявий рискларни камайтириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ-3926-сон «Ўзбекистон Республикасида криптобиржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари тўғрисида», 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни таъминлашни назарий ўрганиш, бунда блокчейн технологиясидан фойдаланиш жараёнининг шаклланиши, тарихи ва иқтисодий мазмуни бўйича фикрлар ва мулоҳазалар, назарий, амалий ва услубий жиҳатлари юзасидан бир қатор хорижий олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни ташкил этиш ва бошқариш ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда «Блокчейн» моделидан фойдаланиш масалаларининг назарий жиҳатлари чуқур ўрганилмаган бўлсада, Paul Vigna, Michael Casey, Melanie Swan, William Mougayar, Roger Wattenhofer, Pavan Duggal, Siraj Raval, Edward Castronova³ кабиларнинг илмий ишларида қисман тадқиқ этилган.

³Paul Vigna, Michael Casey. The Age of Cryptocurrency: How Bitcoin and the Blockchain Are Challenging the Global Economic Order., 2015 y.315 p., Melanie Swan. Blockchain: Blueprint for a New Economy., 2015 y.152 p., William Mougayar. The Business Blockchain: a Primer on the Promise, Practice and Application of the Next Internet Technology. 2016y.208 p., Roger Wattenhofer. The Science of the Blockchain., 2016y.124 p., Pavan Duggal. Blockchain Contracts and Cyberlaw., 2015y.39 p., «Decentralized Applications: Harnessing Bitcoin's Blockchain Technology» 1-издание; Siraj Raval; 150 стр.; 2016 г., «The Book Of Satoshi: The Collected Writings of Bitcoin Creator Satoshi Nakamoto»; Phil Champagne; 396 стр.; 2014 г., Edward Castronova. «Wildcat Currency: How the Virtual Money Revolution Is Transforming the Economy Hardcover»; 288 стр.; 2014 г., Konrad S. Graf. «Are Bitcoins Ownable?: Property Rights, IP Wrongs, and Legal —Theory Implications»; 92 стр.; 2015 г., Will Martin. «Black Market Cryptocurrencies: The rise of Bitcoin alternatives that offer true anonymity»; 156 стр.; 2014 г. Jerry Brito, Andrea Castillo. «Bitcoin: A Primer for Policymakers» 118 стр.; 2016 г., Jeremy Clark. «Bitcoin, blockchain, cryptocurrency, cryptology» (A detailed and technical study of Bitcoin, blockchain, cryptocurrency, and

Бунда Paul Vigna жаҳон глобал иқтисодиётида корпоратив тузилмаларда блокчейн моделидан фойдаланиш йўналишлари, унинг айнан глобал молиявий тизимга таъсир йўналишлари масалалари, Michael Casey томонидан эса рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда блокчейн, майн моделларининг корпоратив тузилмалар фаолиятига ижобий ва салбий таъсир доиралари тадқиқ этилган. William Mougayar ўз тадқиқотларида микро, яъни корпоратив молияни ташкил этишда блокчейн технологияларидан фойдаланиш имкониятлари ва улар молиявий фаолиятига таъсир доирасини амалий мисоллар ёрдамида таҳлил қилиб, мазкур технологияни жорий этиш жараёнида юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари тўғрисида фикр юритган.

Корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни таъминлаш янги молиявий технологиялардан самарали фойдаланиш, уларда рақамлаштириш тизимларини жорий этиш усуллари, рақамли моделлаштириш тамойиллари, корпоратив тузилмалар фаолиятини автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, улар назоратини амалга ошириш, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш шарт-шароитлари каби масалалар маҳаллий олимларимиздан В.Қ.Қобулов, Т.Ф.Бекмуродов, А.Н.Арипов, С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Р.Х.Алимов, Б.А.Бегалов, А.А.Мусалиев, А.Абдуғаффаров, А.Абдувахидов, Д.М.Расулев, Қ.Алимов, О.Т.Кенжабоев, Б.Х.Муродов, Р.А.Дадабаеванинг илмий изланишларида ўз аксини топган⁴.

Мамлакатимиз олимларининг ишларида корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни ташкил этишнинг назарий жиҳатлари, мазкур жараёнда блокчейн технологияларидан фойдаланишнинг амалий таҳлили етарли даражада тадқиқ этилмаган. Умумий тарзда корпоратив тузилмалар фаолиятини рақамлаштириш жараёни таҳлили билан чегараланади. Корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни таъминлашда молиявий технологиялардан фойдаланиш масалалари етарли даражада ёритилмаган.

cryptology). 499 стр.; 2016 г., Hanna Halaburda, Miklos Sarvary. «Beyond Bitcoin: The Economics of Digital Currencies»; 186 стр.; 2016 г., Jerry Brito Et Al. «TheLawofBitcoin». 228 стр.; 2015 г.

⁴ Кобулов В.К. Алгоритмизация в социально-экономических системах. -Ташкент: Фан, 1998.- 320 с. Бекмуродов Т.Ф. Исследования по компьютерной технике и информатике в Узбекистане: история и перспективы. |Сб. научных трудов НПО «Кибернетика» АН Руз - Ташкент, 2004.-с.78-84. Арипов А.Н. Ахборот коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент, 2004.- 24 б. Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 722 б.: Ходиев Б.Ю., Мусалиев А.А., Бегалов Б.А, Алимов Қ. Менеджмент информационных систем. -Т.: Фан, 2007.- 342 с. Алимов Р.Х. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик, - Т.: Шарқ, 2000. - 592 б. Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси даъвогарлигига диссертация иши, Тошкент, 2001 - 330 б. Мусалиев А.А., Бегалов Б.А. Менеджмент информационных систем. Монография. – Т.: Фан, 2007.- 342 с. Расулев Д.М. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш (Банклар инвестицияси мисолида). Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: Фан ва технологиялар, 2003 йил, 40 б. Кенжабоев О.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2005.- 32 б. Дадабаева Р.А. Менеджмент информационных систем. Учебное пособие, -Т.: Iqtisodiyot, 2016.-402 с

Айнан ушбу жихатлар мазкур мавзуни янада тадқиқ этиш зарурлигини англатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №АМ-ФЗ-20190813110 «Ўзбекистонда аудитнинг халқаро стандартлари асосида инновацион аудит хизматларини яратиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлигини оширишда «Блокчейн» моделидан фойдаланиш имкониятлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликнинг аҳамиятини ва уни ташкил этишнинг асосий тамойилларини тадқиқ этиш;

корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни ташкил этишда «Блокчейн» моделидан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари, роли, вазифалари ва мақсадларини таҳлил қилиш;

корпоратив молияда молиявий дастурий таъминот ва электрон хизматларини жорий қилинишида «Блокчейн» моделидан фойдаланиш йўналишлари бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

корпоратив тузилмалар молиясини самарали ташкил этишда молиявий хавфсиз «ақлли корхона» учун «ақлли молиявий корпоратив тизим»ларни ишлаб чиқиш юзасидан амалий асосланган тавсиялар бериш;

корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлашда молиявий технологиялардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

корпоратив тузилмалар молиясини самарали ташкил этишда «Блокчейн» технологиясидан фойдаланиш механизмининг илғор хориж тажрибаларини Ўзбекистонда ижодий қўллаш ва мазкур технологиядан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистонда фаолият юритаётган корпоратив тузилмалар ҳамда давлат ташкилотлари молиявий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни таъминлашда «Блокчейн» моделидан фойдаланишда вужудга келадиган иктисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таққослаш, анализ ва синтез, тарихий ва мантиқий ёндашув, монографик кузатув, график каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корпоратив тузилманинг молиявий хавфсизлик даражасини аниқлаш ва тўлов қобилятини миллий рейтинг шкаласи бўйича энг юқори баллига эришда махсус рақамлаштирилган дастурдан фойдаланиш негизида эксперт баҳолашнинг зарурати асосланган;

вертуал савдо майдонлари, краудинвестинг орқали корпоратив ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш, маъмурий ва операцион харажатларни камайтириш ҳамда «молиявий қалтисликлар»нинг паст даражада бўлишига эришишда рейтинг орқали баҳолаш таклиф этилган;

Блокчейн ва DLT технологиялари негизида корпоратив молиявий бошқарув жараёнида транзакцион маълумотларни тартибга солиш ва кузатиш учун регулятор аниқлигини ошириш натижасида шартномалар молиявий хавфсизлигини таъминлаш механизми такомиллаштирилган;

электрон кооперация порталида молиявий хавфсизлик даражаси рейтинги бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи контрагентлар томонидан шартномавий мажбуриятларни бажарилиш ҳолатини «беш юлдузлик» балл тизими асосида узлуксиз амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

корпоратив тузилмалар молиясида блокчейн технологиясидан фойдаланиш натижасида конфиденциал тавсифга эга бўлган катта ҳажмдаги молиявий маълумотлар базасини ташкил этиш, яхлитлигини таъминлаш, уларни сақлашда молиявий риск даражасини камайтиришга эришиш имкониятлари илмий асосланган;

«булутли технологиялар»дан корпоратив тузилмалар молиясини ташкил этишда фойдаланиш орқали катта ҳажмда йиғилган молиявий маълумотлар базасини булутли услубда сақлаш ва йиғилган молиявий маълумотлар базасини таҳлил қилиш орқали келгуси даврларга мўлжалланган прогнозларни ишлаб чиқиш имкониятлари асосланган;

корпоратив ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқаришда «молиявий қалтислик» даражасининг паст бўлишига эришиш йўллари илмий жиҳатдан асосланган;

корпоратив молиявий бошқарув жараёнида транзакцион маълумотларни тартибга солиш ҳамда корпоратив тузилмаларда контрагентлар билан тузилган барча шартномалар молиявий хавфсизлигини таъминлаш имкониятлари илмий амалий асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, халқаро ташкилотлар очик статистик ҳисоботларидан олинганлиги, хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда «рақамли бошқарув», «рақамли бухгалтерия ҳисоби», «рақамли шартнома» технологияларини ҳамда молиявий харажатларни оптималлаштириш, молиявий зарарлар ҳажмини камайтириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операцион харажатларини мувофиқлаштиришда мақсадли технологияларни қўллаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар мавжуд услубий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан излоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг корпоратив тузилмаларда соф фойда кўрсаткичини оширишга ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятида молиявий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилиши, шунингдек олий таълим муассасаларининг тегишли ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлигини оширишда «Блокчейн» моделидан фойдаланиш имкониятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корпоратив тузилманинг молиявий хавфсизлик даражасини аниқлаш ва тўлов қобилиятини миллий рейтинг шкаласи бўйича энг юқори баллига эришда махсус рақамлаштирилган дастурдан фойдаланиш негизида эксперт баҳолашнинг заруратини асослаш бўйича таклифи «O‘zagrosug‘urta» суғурта компанияси АЖ бошқарувини баҳолаш жараёнида фойдаланилган («O‘zagrosug‘urta» суғурта компанияси АЖнинг 2020 йил 20 декабрдаги 01-11/1-05/1757-сон маълумотномаси). Натижада, "STANDART AND SENSITIVE RATINGS" рейтинг агентлиги томонидан АЖ «Ўзагросуғурта» суғурта компаниясига миллий миқёсда молиявий ишончлилиги «AAA-» максимал даражадаги «Барқарор» прогнози билан тўлов қобилияти рейтинги, шунингдек «FITCH» халқаро рейтинг агентлигининг «BB-» даражадаги «барқарор» прогнози билан рейтингларини олинишига эришилган;

вертуал савдо майдонлари, краудинвестинг орқали корпоратив ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш, маъмурий ва операцион харажатларни камайтириш ҳамда «молиявий қалтисликлар»нинг паст даражада бўлишига эришишда рейтинг орқали баҳолаш бўйича таклифи «O‘zagrosug‘urta» суғурта компанияси АЖ бошқарувини баҳолаш жараёнида фойдаланилган («O‘zagrosug‘urta» суғурта компанияси АЖнинг 2020 йил 20 декабрдаги 01-11/1-05/1757-сон маълумотномаси). Натижада, кўриб чиқиладиган даврда молиявий фаолиятдан олинган даромад ҳажмини 13,4 фоизга оширилишига эришилган;

Блокчейн ва DLT технологиялари негизида корпоратив молиявий бошқарув жараёнида транзакцион маълумотларни тартибга солиш ва кузатиш учун регулятор аниқлигини ошириш натижасида шартномалар молиявий хавфсизлигини таъминлаш механизми такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 833-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 05/16-04-10/41-сон маълумотномаси). Натижада, электрон кооперация портали платформасида 72 258 та корпоратив бошқарув субъектлари ўртасида бир кунда имзоланаётган электрон шартномалар сони 70 тани ташкил этган, шакллантирилган электрон база маълумотларига асосланиб, фаол корхоналарнинг доимий рейтинги аниқлаб бориш тизими йўлга қўйилган,

амалга оширилаётган амалий таҳлиллар натижасида 148 401 та маҳсулот позицияси бўйича нархлар шаффофлигини таъминлашга эришилган;

электрон кооперация порталида молиявий хавфсизлик даражаси рейтинги бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи контрагентлар томонидан шартномавий мажбуриятларни бажарилиш ҳолатини «беш юлдузлик» балл тизими асосида узлуксиз амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 833-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 05/16-04-10/41-сон маълумотномаси). Натижада, электрон онлайн савдо платформа негизида 148 401 та маҳсулотлар савдога қўйилган бўлиб, бир кунда ўртача битимлар ҳажми 12 162 млн.сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика, 2 халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Молиявий хавфсизликни таъминлашда иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнининг назарий-услубий асослари ва ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида молиявий хавфсизликни таъминлаш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга эришиш масалалари, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда рақамли инфратузилмани ташкил этишнинг амалдаги иқтисодий ҳолати тавсифи ҳамда корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни таъминлаш жараёнида рақамли электрон имзоларни жорий этишнинг назарий-илмий

жихатлари ёритиб берилган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда хулосалар шакллантирилган.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида иқтисодий ва молиявий хавфсизлик масаласи миллий хавфсизлик масаласининг ажралмас қисми ҳисобланиб, мазкур ҳолатда ички ва ташқи таҳдидлар, омилларни ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиётни барқарор ва мустақил иқтисодий ривожлантиришга эришиш имконияти мавжуд. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини таъминлаш орқали миллий иқтисодий барқарорликка эришиш ҳамда халқаро даражада иқтисодий позицияларни мустаҳкамлашга, моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатланиши ва уларни самарали тақсимоли устидан давлат назорати ва мониторингини амалга оширишга эришиш мумкин. Мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлашга таъсир этувчи ички омилларга куйидагиларни киритиш мумкин: барқарор иқтисодий ўсиш даражаси, аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг умумий аҳоли сонидаги улуши; давлат бошқарув тизимининг барча бўғинларида коррупциянинг мавжудлик даражаси; иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишсизлик даражасининг мавжудлиги; таълим сифатининг пастлиги; тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда турли кўриниш ва шаклларда маъмурий ва молиявий тўсиқларнинг мавжудлигидир. Молиявий хавфсизликни таъминлаш шартларидан бири бу иқтисодиётни рақамлаштириш ҳисобланади. Айнан рақамли иқтисодиётга жадал суръатлар билан ўтилиши нафақат миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар таннархини камайтиришга, самарадорликни оширишга эришиш мумкин.


Жумладан, Ш.Мирзиёев «...иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган «Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси»ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда «Рақамли Ўзбекистон-2030» дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради»⁵ деб таъкидладилар.

Корпоратив тузилмалар молиявий хавфсизлигини таъминлашда блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали кўп функцияларга эга бўлган, кўп қатламли ахборот технологиясидан турли ўлчамли ва даражали молиявий активларни ишончли ҳисоблаш учун мўлжалланган тезкор юқори даражадаги рақамлаштирилган технология сифатида эътироф этиш мумкин. Мазкур технология турли ўлчамдаги битимларнинг ёзувларини сақлашни хавфсиз тарзда амалга ошириш имконини берувчи тақсимлаш технологиясидир. Блокчейн маълумотларнинг кетма кетликда ёки турли даражада блокланган ишончли занжири бўлиб, унинг ҳажми доимий равишда янги битимлар, янги ёзувлар кўшилиши ва юкланиши натижасида ўсиб борувчи рақамли технологиядир. Бу юқори тезликка асосланган хронологик маълумотлар

⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси».

базаси ҳисобланиб, унда ёзувни ёзиш вақти маълумотлар билан узвий боғлиқ тарзда шакллантирилади.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнини тезлаштириш орқали қатор муаммоли вазиятларга барҳам беришга эришиш мумкин. Жумладан: банкдан ташқари бўлган нақд пул айланмаси даражасини максимал камайтиришга эришиш; яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улушини камайтиришга; давлат бошқаруви тизимини соддалаштириш, инсон омили иштирокини минималлаштириш ҳамда коррупцион тизимга барҳам бериш; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш жараёнини такомиллаштириш ҳамда уларнинг доимий тушумини ўз вақтида таъминланишига эришиш; криптовалюталар ва ICO механизмларини жорий этиш орқали халқаро валюта-кредит ресурсларини миллий иқтисодиётга жалб қилинишига эришиш мумкин.



1-расм. Ривожланган мамлакатлар томонидан сунъий интеллект ёрдамида яратилган роботехникани ишлаб чиқариш ва занжирли ўсиш индекси таҳлили (минг бирликда ва занжирли ўсиши индексида) (2016-2019 ҳақиқатда, 2020-2021 – прогноз кўрсаткичлар)⁶

Таъкидлаш жоизки, бугунги ахборот технологиялари кенг ривожланган даврда жаҳон молиявий тизими доирасида иқтисодий субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни рақамлаштириш ва электрон рақамлаштирилган ҳукуматга ўтиш, давлат ва хусусий сектор хизматларини рақамлаштирилган тизимини, яъни қоғоз кўринишидаги архив маълумотларини электрон кўринишга ўтказиш ишларини кенг жорий этиш орқали иқтисодиётда қатор


⁶ Pavan Duggal. Blockchain Contracts and Cyberlaw., 2019y.39 p.

муаммоларни ўз вақтида арзон ва тез ҳал этиш мумкин. Мазкур йўналишда Ўзбекистонда ҳам қатор чора тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Электрон ҳукумат ва онлайн давлат хизматлари ривожланишида барча давлат идораларининг ўрни бекиёс бўлиб, бунга фақат ҳар бир давлат идораси масъулиятини ҳис этган ҳолда ўзига тегишли бўлган маълумотлар базасини ҳамда архивларини ўз вақтида рақамлаштирса эришиш мумкин бўлади. Таҳлиллар натижасига кўра, аксарият ташкилотларнинг давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўладиган маълумот базалари рақамли кўринишга келтирилмаганлигини кўрсатмоқда. Мисол учун «Ўзархив» агентлигининг маълумотига кўра, Миллий архив фонди ҳужжатларининг 5 фоизи ва бошқа аҳамиятли ҳужжатларнинг 23 фоизи рақамлаштирилган ҳолос.

Таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиётнинг жадал тарғиб қилиниши натижасида сунъий интеллект, роботехника, кибер техника, нано технологияларни нафақат давлат бошқаруви тизимига, балки корпоратив молиявий бошқарув тизимига ҳам жорий этишга эришилмоқда. 2016 йилда ривожланган мамлакатлар томонидан сунъий интеллект ёрдамида яратилган роботехникани ишлаб чиқариш 294 мингтани ташкил қилган бўлса мазкур таҳлил қилинаётган Германия, АҚШ, Япония, Хитой ва бошқа давлатларда, 2019 йилда бу кўрсаткич 484 мингтани, 2021 йилда эса 630 мингтани ташкил этиши прогноз қилинмоқда (1-расм). McKinsey Institute томонидан амалга оширилган таҳлилларга таянадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунёда мавжуд бўлган барча касбларнинг 60 фоизини, мавжуд профессионал фаолиятларнинг эса 30 фоизини бемалол автоматлаштириш имконияти мавжудлигини, бундан ташқари 2030 йилга бориб 400 млн. иш ўрнини турли даражадаги автоматлаштирилган роботлар ва машиналарга алмаштириш мумкинлиги илмий жиҳатдан асослантирилди⁷.

Дунё ҳамжамияти ҳозирги кунда янги инновацион технологияларни давлат бошқарувига жалб этиш орқали «электрон ҳукумат»ни яратиш эрасини бошлаб берди. Мазкур жараён давлат органлари хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, фуқаро ва давлат ўртасидаги содда, тез ва қулай, арзон алоқа ўрнатилишини таъминлашга хизмат қилиш билан бирга, шу кунга қадар етиб келган 3 та технологик инқилоб даврида ҳукумат шакли ва унинг ташкилий-бошқарув тизимини 4-технологик яъни сунъий интеллектуал инқилоб келажакда ҳукумат шаклини «интеллектуал ҳукумат» форматига айланишига замин яратади. Айнан шу ҳолат бугунги кунда «Рақамли Ўзбекистон-2030» дастурини ҳаётга татбиқ этиш заруриятини кун тартибига қўймоқда. Албатта мазкур жараёнда хорижий давлатлар бошқарувини рақамлаштиришда блокчейн технологияларидан фойдаланиш амалиётини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

⁷ McKinsey Global Institute (MGI) (2017). JOBS LOST, JOBS GAINED: WORKFORCE TRANSITIONS IN A TIME OF AUTOMATION/ McKinsey & Company/p.ii.(21pp)/ www.mckinsey.com/mgi.



2-расм. 2019 йилда иқтисодий рақамлаштириш индекси (ИЕ81) бўйича давлатлар рейтинги таҳлили⁸

Ўзбекистонда ҳам 2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб «Mirzo Ulugbek Innovation Center» ҳузурида Тақсимланган реестр (блокчейн) технологиялари бўйича ваколатли марказ ишга туширилди. Мазкур Марказнинг асосий вазифалари сифатида блокчейн имкониятларидан фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва маҳаллий ишлаб чикувчиларни қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш белгилаб олинди. Блокчейн технологияларидан давлат бошқаруви билан бир қаторда корпоратив молиявий бошқарувни йўлга қўйишда фойдаланиш ўзига хос имкониятларни яратиб, қатор афзалликларга эга. Жумладан:

тизимда жамланган йирик молиявий ахборотлар базасининг дахлсизлигини таъминлаш имкониятининг мавжудлиги;

блокчейн технологияси ёрдамида жамланган йирик молиявий ахборотлар базаси бир вақтнинг ўзида кўплаб компьютер қурилмаларида сақланиши, йиғилиши мазкур базанинг максимал даражада хавфсизлигини таъминлаш имконини бериши;

тизимда марказий сервернинг мавжуд эмаслиги базани максимал даражада дахлсизлигини кафолатлаши кабилардир.

Умумий ҳолда корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлигини ташкил этиш жараёни қуйидаги 3-расмда келтирилган.

Албатта мазкур жараёнда йирик ҳажмда йиғилган маълумотлар базаси яъни Big Data хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб муаммо сифатида майдонга чиқиши мумкин. Чунки технологиянинг амалиётга жорий этилиши натижасида турли ҳажм, шакл ва мазмундаги ахборот фойдаланувчилари сонининг ошиши, субъектларнинг йиғилган маълумотлар базасидан фойдаланиш тартибидан хабардор бўлиши ва унга риоя қилиши, ҳимоя чораларининг қўрилиши муҳим аҳамият касб этади.

⁸ <http://ru.newsbits.com>

Фикримизча, Корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлиги – бу ташқи ва ички таҳдидларнинг салбий таъсиридан, беқарорлаштирувчи омиллардан ҳимояланиш ҳолати бўлиб, унда қонуний фаолиятнинг асосий тижорат манфаатлари ва мақсадларини барқарор амалга ошириш таъминланади. Молиявий хавфсизлик моҳияти ноаниқ ва рақобат муҳитида корxonанинг умумий стратегик мақсадларига мувофиқ молиявий стратегияни мустақил равишда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилиятига боғлиқ бўлиб, молиявий хавфсизликни таъминлашнинг асосий шarti бу корхонага молиявий зарар етказмоқчи бўлган ёки капитал таркибини ўзгартириш ёки корxonани мажбуран тугатишни истамайдиган мавжуд ва пайдо бўлаётган хавф ва таҳдидларга қарши туриш қобилиятини ифодалайди. Ушбу шартни таъминлаш учун компания молиявий барқарорлик, мувозанатни сақлаши, компаниянинг етарли молиявий мустақиллиги ва молиявий қарорларни қабул қилишда мослашувчанликни таъминлаши керак. Корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлиги ва молиявий барқарорлиги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб ўзаро таъсир қилади ва бир-бирини тўлдиради. Умумий қилиб айтганда, улар бир танганинг икки томонини акс эттиради, дейишимиз мумкин. Молиявий барқарорлик – бу корxonанинг молиявий хавфсизлиги учун зарур, ammo етарли бўлмаган шартдир.




3-расм. Корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлигини ташкил этиш жараёни⁹

Корxonанинг молиявий хавфсизлиги турли сабабларга боғлиқ. Хусусан, тадбиркорнинг манфаатларига зарар этказиш рақобатчиларнинг адолатсиз ҳаракатлари, ҳамкорлар, миждозлар, етказиб берувчилар, буюртмачилар томонидан шартномалар, товар этказиб бериш ва бошқалар учун тўловларни

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланди.

тўлаш мажбуриятларини бажармаганлиги, шунингдек иқтисодиётдаги инкироз ҳодисалари, бозор шароитидаги кутилмаган ўзгаришлар, табиий офатлар, фавқулодда вазиятлар, бошқарувнинг лаёқатсизлиги, ижтимоий кескинлик ва ниҳоят, давлатнинг ноқулай иқтисодий сиёсати сифатида.



4-расм. Корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлик тизимини назорат қилиш объектлари¹⁰

Бугунги кунда республикада барча давлат ташкилотларида мавжуд бўлган ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларнинг бу борадаги фаолиятини баҳолаш имконини берувчи ict.nis.uz махсус тизими жорий этилган бўлсада, кучли ҳимоя чораларининг қўлланилиши долзарб масала сифатида кун тартибига турибди. Бунда ҳар бир давлат ташкилоти ёки хусусий сектор субъектларининг молиявий бошқарув тизимида шакллантирилган маълумотлар хавфсизлигини баҳолаш ахборот ўлчами, ташкилий тузилмаси, қайта ишланадиган ахборотларнинг хусусиятлари (илмий-техник, иқтисодий, ишлаб чиқариш, молиявий, ҳарбий, сиёсий) ва уларнинг махфийлик даражалари, ташкилотнинг молиявий ва техник имкониятлари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси, ички ҳужжат айланиш тизими, ҳимояни талаб қилувчи ахборотлар ҳажми таҳлил қилиниши орқали эришилади.

Диссертациянинг **«Корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни ташкил этишда «Блокчейн» моделидан фойдаланишни самарали ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари»** деб номланган иккинчи бобида корпоратив тузилмаларда «Блокчейн» технологиясидан фойдаланиш механизмига таъсир этувчи омиллар ва уларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари, корпоратив молиявий режалаштиришни ташкил этишда «Блокчейн» технологиясидан

¹⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланди.

фойдаланишнинг амалдаги ҳолати таҳлили ҳамда корпоратив молияни рақамлаштиришнинг жаҳон амалиёти таҳлили амалга оширилган.

Блокчейн технологияси кўплаб бизнес моделларини бузадиган, иқтисодий ва жамиятнинг бутунлай ўзгартирадиган инқилобий технологиядир. Блокчейн технологиясининг амалда ишлаш жараёнида тизимда иштирок этаётган иштирокчилар ўртасидаги алоқалар молиявий ташкилотлар – воситачиларнинг четлаб ўтган ҳолда электрон операцияларни амалга ошириш қобилиятига эга субъектларaro тўлов тизимини яратиш тамойилларига таянган ҳолда, бундай вазифани рақамли имзо ёрдамида қисман ҳал қилиш мумкин бўлсада, аммо бунда фақат икки томонлама сарф-харажатларни назорат қилувчи ишончли вакил бўлиши талаб этилар эди. Шунинг учун, марказлашмаган ечим, фуқароларaro тизимнинг ғоялари ёрдамида, криптовалюта, математик қоидалар исботланган иш (Proof-of-work) ва тизим иштирокчилари ўртасидаги операцияларни ўтказишнинг умумий қоидалари асосида тасвирланади. Корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни таъминлашда блокчейн технологиясининг ишлаш тамойилларининг афзаллик томонлари қуйидагиларда намоён бўлади: корпоратив тизимга жойланган ҳар қандай маълумот бир зумда тизимга уланган ҳар бир фойдаланувчи учун бир вақтда кўриш имкониятини яратиш билан бир қаторда, мазкур юклатилган маълумотни сақланишини таъминлаш ёки уни ўчирилиб кетишини олдининг олади; корпоратив тузилмалар маълумотлар базасини тақсимланиш жараёнида юқори даражадаги шаффофликни таъминлаш имкониятини яратади; корпоратив молиявий маълумотлар ва ахборотлар алмашинувида аниқ мақсадли кузатувни йўлга қўйиш имкониятини беради; корпоратив тузилмалар доирасида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёни кам харажат талаб этади; корпоратив тузилмалар фаолиятида ахборотларни сақлаш муддатларининг давомийлигини таъминлайди; корпоратив тузилмалар фаолиятида маълумотларни қайта ишлаш, мақсадли тавсифлаш ва туркумлаш имкониятларини яратади.

Қуйидаги 1-жадвалда блокчейн технологиясидан иқтисодийнинг турли жабҳаларида фойдаланиш имкониятлари келтирилган. Жумладан, молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида мазкур технологиядан фойдаланиш орқали молиявий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг қисқа муддатларда тез ва нисбатан кам маблағ сарфлаш эвазига амалга ошириш мумкин бўлади.

Корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни таъминлашда блокчейндан фойдаланиш корхонада маълумотларни тарқатишнинг қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлиги сифатида ифодалаш мумкин:

1. Корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни таъминлашда барча блоklarда амалга оширилган янги операция ва унга тааллуқли бўлган барча маълумотлар қайд этиб борилади, бунда корхонанинг барча турдаги ва даражадаги фойдаланувчилари ўзарo (Peer-to-peer) ишлаш тамойили асосида хабардор этилиб, барча молиявий операциялар тўғрисидаги маълумотлар

блокларнинг барча тугунларида кодланиб, умумий ҳолда ягона бозорда жамланиб борилади.

1- жадвал

Блокчейн технологиясидан иқтисодийнинг турли жабҳаларида фойдаланиш имкониятлари таҳлили¹¹

Автомобил саноатида	Молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида	Турли даражадаги сайловларни ташкил этишда овоз бериш жараёнларида	Соғлиқни сақлаш соҳасида
Мазкур соҳа хизматлари истеъмолчилари автоном автомобил уловларга нисбатан қисман эгаллик қилиш ҳуқуқини ва мулкни бошқариш ҳуқуқидан фойдаланишда блок занжирли технологиядан фойдаланишлари орқали вақт омили сарфи кескин камайтирилиши билан бир қаторда, уларга нисбатан сарфланадиган харажатлар миқдорини ҳам оптималлаштиришга эришиш мумкин бўлади.	Молиявий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг қисқа муддатларда тезроқ ва нисбатан кам маблағ сарфлаш эвазига турли миқдордаги маблағларни транзакцион пул ўтказмаларини қисқа муддатларда амалга ошириш, амалга ошириладиган операцияларни шаффофлик даражасини таъминлашга эришиш мумкин.	Турли даражадаги сайловларни ташкил этишда овоз бериш жараёнларида сайловчилар блок кодини қўллашлари орқали фуқаролар смартфон, планшет ёки компьютер қурилмаси орқали овоз бериш имкониятига эга бўлиб, бу дарҳол ва аниқроқ натижаларни бериш имкониятини яратади. Бундан ташқари сайлов тизими шаффофлигини таъминлашга, мониторингини ўз вақтида амалга оширишга олиб келади	Турли даражадаги касалланган беморларнинг шифрланган тиббий маълумотларини махфийлигини таъминлаган ҳолда бир вақтнинг ўзиде турли жойларда жойлашган мутахассислар иштирокида концилум ўтказиш имкониятининг мавжудлиги, беморнинг бугун ҳаёти давомидаги соғлиғи билан боғлиқ барча маълумотларни сақлаш ҳамда исталган муддатларда мазкур маълумотлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

2. Ихтисослаштирилган «майнер» машиналари (инглиз тилидаги «mining» – фойдали қазилмаларни аниқлаш) орқали амалга оширилган барча молиявий операциялар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар базаси қайта ишланмаган блокдаги операциялар пулига қўшиб қўйилиши амалга оширилади.


3. Ҳар бир майнер киритилган ва яратилган блок учун хешни аниқлаш ва мустақамлаш билан бир қаторда, маълумотлар базасини яратувчиларга мос ва уларни талабига жавоб берувчи хешларни яратиш ҳамда мазкур операция тасдиқланишига эришиш устидан назоратни олиб боради (Proof-of-work). Молиявий операция сўнгида тасдиқлаш услубидан ҳам фойдаланиш йўлга қўйилган бўлиб, мазкур услуб – улушларни тасдиқлаш услуби (Proof-of-stake) деб номланади.

4. Майнер амалга ошириладиган барча молиявий операциялар юзасидан қўшимча хеш блокларини қабул қилгандан сўнг, маълумотлар блокнинг барча тармоқ иштирокчиларига юборади ҳамда майнер қўшимча блокни қабул қилгани учун мукофотланади. Агар блок барча тугунларни қабул қилмаганини аниқласа, тугун битта блокни ўтказиб юборади ва қабул қилинмай қолган қўшимча маълумотларни тўлдириб қўйиш учун қўшимча етмаган

¹¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланди.

маълумотлар учун сўров жўнатиб, олинган маълумотларни кўшимча равишда юклаб қўйиш опрециясини амалга оширади.

5. Ушбу блокни қабул қилиб олган тугунлар молиявий транзакцияларнинг тўғрилигини ва икки маротаба эътироф этилмаганини текширишни бошлаб юборади, агар блок текширувни амалга оширмаса, у рад жавобини беради ҳамда молиявий операциялар транзакцияси қайтадан амалга оширилиши учун юборилади.



5-расм. Корпоратив тузилмалар молиявий хавфсизлигини ташкил этишда блокчейн технологиясида амалга оширилаётган битимларнинг қонунийлигини тасдиқлаш жараёни тавсифи¹²

6. Агар бажарилаётган молиявий опрециялар корпоратив тузилмаларда яратилган блокларнинг тўғрилиги барча иштирокчилар томонидан тасдиқланса, майнер янги яратилган блок маълумотлари асосида ишлаш жараёнини бошлайди ва асосланган ҳеш блокка қўшиш амалиётини бажаради. Кейинги ўринда, барча транзакцияларнинг криптографик тасдиғи амалга оширилади (5-расм). Корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни таъминлашда блокчейн технологияларидан фойдаланиш тўпланган маълумотлар дахлсизлигини таъминлаб, барча маълумотлар бир вақтнинг ўзида кўплаб компьютерларда сақланади ва бу маълумотнинг максимал даражадаги хавфсизлиги таъминланади. Марказий сервернинг мавжуд эмаслиги маълумотнинг максимал даражада дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Блокчейн технологияларидан фойдаланиш орқали бошқарувни йўлга қўйиш нисбатан арзон ва фойдаланиш учун қулайдир. Чунки блокчейн

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланди.

технологияларида одатий технология компьютерлар тармоғидан фойдаланилиб, бошқа технологияларга нисбатан анча арзон ва фойдаланиш учун қулай. Блокчейн технологиялар тўғридан-тўғри «хукумат – фуқаро» формуласи асосида фаолият олиб бориши ҳамда қўшимча комиссия тўловларни максимал даражада чеклашга имкон яратиши билан муҳимдир. Блокчейн технологияси 24 соат мобайнида фаолият олиб бориши ҳамда ўтказмаларнинг бир неча сонияда манзилига етиб бориши, самарали корпоратив молиявий бошқарув тизимини амалга ошириш узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. (2-жадвал)

2-жадвал

Блокчейн технологияси иловаларида корпоратив молиявий хавфсизликни таъминлаш жараёнида маълумотларни юклаш ва киритиш жараёнлари¹³

Илова маълумотларнинг тавсифланиши	Фойдаланиш соҳалари тавсифи
Блокчейн 1.0	
Тизимдаги аниқ операциялар ва уларнинг қиймати ҳақидаги маълумотлар базаси	Бунда криптовалюталар турли хил иловалар орқали пул ўтказмалари ва рақамли тўлов тизимлари каби молиявий битимлар билан боғлиқ ҳолда ишлаши таъминланади
Блокчейн 2.0	
Кафолатланган мажбуриятларнинг аниқ белгиланиши	Кафолатланган мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш, уч томонлама арбтраж, кўп томонлама имзо, Эрсков ҳисоб счётларидан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширилиши
Молиявий транзакциялар	Қимматли қоғозлар, компанияларнинг қимматли қоғозлари, краудфайдинг, облигациялар, инвестицион фондлари, анниуетлар, пенсия таъминоти
Хусусий ҳужжатлар тўплами	Қарздорлик аризаси, шартномалар, пул келишувлари, васиятномалар, ишончномалар, имзолашга доир маълумотлар
Гувоҳлик талаб этувчи ҳужжатлар тўплами	Суғурта гувоҳномаси ва сертификатлари, мулкдорлик тўғрисидаги гувоҳномалар, ҳужжатларни нотариал тасдиқлаш
Номоддий активларни ҳисобга олиш	Патентлар, савдо маркалари, муаллифлик ҳуқуқи, буюртмалар.
Блокчейн 3.0	
Давлат томонидан тасдиқланадиган гувоҳномалар ва лицензиялар	Ер ва кўчмас мулк бўйича гувоҳномалар, транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари, фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун лицензиялар
Давлат томонидан тасдиқланадиган сертификатлар	Шахсий гувоҳнома, паспорт, сайловчиларни рўйхатга олиш ҳужжатлари, ҳайдовчилик гувоҳномаси, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, никоҳ ва ўлим ҳақидаги гувоҳномалар
Тиббиётга таълуқли бўлган маълумотномалар ва ҳужжатлар	Тиббий муассасалардаги беморларнинг тиббий ёзувлари, тиббиёт ходимларининг муайян маълумотларга кириш ҳуқуқи ва муайян маълумотларга эга бўлиш имкониятлари
Таълим, илм-фан ва маданият соҳаларида ахборот ва ҳужжатлар тўплами	Талабалар ва ўқитувчилар, тадқиқотчилар, маданият ва санъат ходимлари, таълим, илм-фан, маданият соҳасидаги турли хил операциялар (шу жумладан муассасалар ва жисмоний шахсларнинг ишлаш кўрсаткичлари) ҳақидаги маълумотлар
Уй-жой соҳасида ахборот ва ҳужжатлар алмашинуви	Уй-жой коммунал хўжалигида турли хил битимлар бўйича маълумотлар ва транзакциялар: электр, сув, телекоммуникация хизматлари истеъмол кўрсаткичлари, ақлли уй тизимларининг ишлаши ва бошқалар.

Жумладан, блокчейн технологияси тамойиллари асосида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг расмий сайти платформасида Ўзбекистон Республикаси

¹³ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

Президентининг 2019 йил 1 майдаги «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4302 сонли Қарорига асосан эркин рақобатга асосланган ҳолда харидорлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги нархларнинг шаффофлиги тамойиллари асосида электрон савдони ташкил қилиш, электрон шартномаларни имзолаш механизмини жорий этиш орқали иқтисодий хавфсизликни таъминлашга эришиш мақсадида электрон кооперация портали ташкил этилди. Мазкур электрон онлайн платформа негизида бугунги кунга келиб 148 401 та маҳсулот позицияси бўйича бир кунлик умумий битимлар ҳажми 12162 млн. сўмни ташкил этмоқда. Бундан ташқари «электрон кооперация портали»да рўйхатдан ўтган фаол корхоналарнинг доимий рейтингини юритиш, ким ошди савдосида тузилган шартномаларга таълуқли бўлган маълумотларни молиявий хавфсизлигини таъминлашга эришилди. Электрон кооперация портали платформасида 72 258 та корпоратив бошқарув субъектлари ўртасида бир кунда имзоланаётган электрон шартномалар сони 70 тани ташкил этмоқда. Шакллантирилган электрон база маълумотларига асосланиб, фаол корхоналарнинг доимий рейтингини аниқлаб бориш тизими йўлга қўйилди. Амалга оширилаётган амалий таҳлиллар натижасида 148 401 та маҳсулот позицияси бўйича нархлар шаффофлигини таъминлашга ҳам эришилмоқда. Бундан ташқари электрон кооперация порталида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда иш, хизмат кўрсатувчи контрагентлар томонидан шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида сифатли бажарилиши, маҳсулот иш ва хизматларнинг сифатли амалга оширилиш жараёнини онлайн вақт режимида аноним тарзда амалга ошириб бориш имкониятини берувчи механизм ишга туширилди. Мазкур механизмни амалиётга тадбиқ этилиши натижасида электрон кооперация порталида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда иш, хизмат кўрсатувчи контрагентлар «беш юлдузлик» балл баҳолаш тизими доирасида ўзаро бир-бирининг фаолият йўналишларини аноним тарзда баҳолаши ҳамда берилган баҳоларнинг ўртача қийматига асосланган корхоналарнинг молиявий хавфсизлик даражаси рейтингини шаклланиб борилишига асос солинди.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётни рақамлаштириш орқали корпоратив тузилмаларда молиявий хавфсизликни ташкил этишнинг долзарб масалалари»** деб номланган учинчи бобида корпоратив тузилмалар молиявий хавфсизлигини таъминлашда блокчейн технологиясини жорий этиш жараёнининг SWOT таҳлили ҳамда корпоратив молиявий бошқарувни ташкил этиш жараёнида молиявий технологиялар (fintech)дан фойдаланиш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Корпоратив тузилмалар молиявий хавфсизлигини таъминлаш жараёнида блокчейн технологиясидан фойдаланишнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Бундай таҳдидлар сифатида технологияни корпоратив бошқарув тизимида жорий этишнинг дастлабки босқичида нисбатан катта ҳажмдаги молиявий ресурсларни жалб қилиш мажбурияти, давлат назорат тизимини амалга оширишнинг чекланганлиги, электр таъминотида бўладиган узилишлар натижасида технологиянинг

ишлашида юзага келиши мумкин бўлган тўхтаб қолишлар, юқори даражада технологик қурилмаларга қарамлик кабиларни келтириш мумкин. Аммо мазкур технологиядан иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида самарали фойдаланиш мумкин.



6-расм. Корпоратив тузилмалар молиявий хавфсизлигини таъминлаш жараёнида блокчейн технологиясидан фойдаланишнинг SWOT-таҳлили¹⁴

